

Жамолнинг кичкинагина жасадини багрига олган совук тобут ердан узилиб, бакувват елкаларда гўё кема каби сузив кетди. Бу онда Сабрийя хонимнинг юрагидаги яна бир томир узилгандай бўлди. ўғилгинаси, гарчи кафланган, сўнгги сафарга хозирлаб кўйилган бўлса-да, хозиргина ўз уйида эди. Назарида бир мўжиза юз берарди-ю, Жамоли кўзларини очиб, югуриб кетадигандай эди. Йўк... энди хеч качон кўзларини очмаслиги, хеч качон югурмаслиги аник бўлди. Ана шу машъум хакикат унинг багрида кора вулкон бўлиб тўлгонди-ю, хайкирик билан отилди: “Жоним болам, мени кимларга ташлаб кетяпсан!” Бу нолага жавоб истаган онанинг юрагидаги зардоб чўкка айланиб, баттар куйдира бошлади. Киёматга кадар айрилик азобига маҳкум этилмиш она яна нималар деб бакирганини билмайди. У ўзини кўярга жой тополмай талвасага тушди, бошини деворга урди, кўлига илинган идишларни отиб синдириди. Сўнг овутиш илинжидаги кўшни аёллар кўлида хушидан кетди. Набираси хажрида ўртанаётган Шукрийя хоним кизининг бу холатини кўриб, ўзини йўқотай деди. Кўшни аёл шошилганича лимон кесиб Сабрийя хонимга хидлатди, лабига гулоб тутди. Шукрийя хоним эса кизининг кўйлаги тугмаларини ечиб, кўкрагини укалади. Бир оздан сўнг Сабрийя хоним кўзларини аранг очди, нимадир демокчи бўлди-ю, аммо лаблари унга бўйсунмади. Бехол кўлини кўкраги устига кўйганидан билишдик, юраги ёняпти, куйдиряпти, ўртаяпти. Салдан сўнг унинг пичирлаб айтган сўзларини эшлишиди. У шойига ўралган тобут изидан бориши, ўғилчаси билан совук гўрга тушиб ётишни истарди. У бирдан каттик хўрсинди. Шу хўрсини, томогини бўгиб турган пардани йиртиб юборгандай бўлиб, пичирлашлар аламли нолаларга айланди:-Вой жоним, Жамолим! Эндини беш ёшга тўлаётувдинг-а! Сенинг жонинг кимга керак бўлиб колди! Кайси ялмогизнинг кўзи тегди сенга! Сенга теккан кўзлар ситилиб чика колса нима киларди! Вой, мен энди дардимни кимга айтаман, кўшнижонлар! Бир хафтадаёк сўнди-я, менинг болажоним! Бу иситма деган бало кайданам келди. Дўхтирнинг дориси таъсир килмаса, мулланинг ўкиши кайтаролмаса-я! Мен эсимни йигиштириб олишга хам ултурмадим-а, боламнинг жони бир пасда учиб кетди-я! Вой болам, жаннатнинг кушларига айланган болам-а! Худо кўнглимга солувди-я! Мен ахмок эътибор килмабман-а! Ахмок бўлмасам, мактабга биринчи марта борадиган куни кўгирчокдай ясантириб кўяманми! Хоним афандим, сиз уни ўша куни кўрувдингиз-а? Бошига подшоларнинг тожидай безалган дўппи кийдирувдим.

Караган хам каровди, карамаган хам. Киприклиари кайрилган, юзлари лоладай ёнарди-я! Тўйиб-тўйиб ўпган эдим, юзларидан. Кейин... ха, ха, ўшанда шайтон кулогимга шивирладими ё ўзимча ўйладимми, билмайман. Хаёлимдан “Бундай кўркам, бундай акли болакай бу дунёнинг боласи эмас” деган фикр ўтди. Худо ёрлакаган ўша куни кўпчилик “Ишқилиб кўз тегмасинда” дейишувди. Болажоним муаллим афанди каршисида тиз чўкиб, хеч бир тутилмасдан, бошкаларга ўхшаб дудукланмасдан дуо килиб, Аллоҳдан ўкишларида омад беришни сўраган эди.

Сабрийя хоним яна хўрсинди. Унга сув тутдилар. Вазиятдан фойдаланган кўшни аёл уни юпатиш ниятида гапни илиб кетди:

-Нимасини айтасиз, сингилгинам! ўглингиз беназир бола эди. Агар у шу акли билан униб-ўсганида Афлотун деганларини хам ярим йўлда колдириб кетадиган олим бўларди. Биз нима хам кила олардик, акли болалар шунака кам яшайдилар. Эсингдами, жонгинам, матоларни яхширогига алмаштирайлик, деб сен билан бозорга борганимизда

болажонингни хам олволувдик. Матофурушнинг дўконини тополмай алахсираб, гангиб турганимизда Жамолгинанг “Ойижон, ана, ана!” деб юонон дўкондорни кўрсатиб берган эди. Худо жонини кийнамай олди, бу дунё азобларидан хам куткарди. Энди магфиратига олсин! Вой, нималар деяпман, канака магфират? Аллоҳ уни аллакачон жаннатга юборган. Болаларда гуноҳ бўлмайди.

-Овсинжон, гапларингиз тўппа-тўгри,-деб гапни давом эттириди яна бир кўшни.- Худо унга умр бермаган экан, аммо аклни берган эди. Бултурги воеа сирам эсимдан чикмайди. Ховлимиизга келган бакколдан ловия олаётувдим. Бакколга пулни бердиму кайтимини олишда талашиб колдим. Хисоб-китобни билмайдиган бир меров бола экан. Менинг хисобим бўйича у менга етмиш пора кайтариши керак эди, у анков эса тўксон пора беряпти. Шунда “Нега мени лакиллатмокчи бўласан, мен етмиш порага кўниб кетадиган ахмок эмасман”, десам, у муттахам кўзларини лўк килиб: “Хоним, эсингиз жойидами етмиш пора кўпми ё тўксон порами?” дейди. Мен тамоман гангиб колдим, хисобларим чалкаш-чулкаш бўлиб кетди. Шунда баҳтимга Жамолгинамиз келиб колди. Мен уни ёнимга чакириб: “Манави алдамчи мени лакиллатиб, пулимдан уриб колмокчи, эсгинангдан айланай, сен айтгин, етмиш пора кўпми ё тўксонми?” деб сўрадим. Болажон бир пас ўйлаб туриб: “Етмиш пора кўп”, деб тўппи-тўгрисини айтди. “Бу бола хамма нарсани билади, алдамайди. Сен иккинчи муттахамлик килма!” деб хаккимни тўгрилаб олдим.

Тобут кўтарган эркакларни кузатиб колган хотинларга Худо берди: бечора онани овутиш максадида бири олиб, бири кўйиб болажоннинг фазилатларидан гапиравериши.

Боланинг хар фазилати кашф этилганда уйда йиги кўтарилар, шубҳасизки, бу йигиларнинг барчасини жабрдийда онанинг нолалари босиб кетарди. Овутиш максадида айтилаётган сўзлар ханжар бўлиб онанинг калбини кайта-кайта кийма-кийма киларди. Уйдаги хотинлар сал тинчиб, йиги-сиги хам бир оз босилган дамда таъзия билдириш максадидаги кўшнилардан яна бири ўгилчасини бошлаб кирди-ю, яра яна янгиланди.

-Мехмедни нима учун олиб кирдинг?-деб танбех берди аёллардан бири.-Ахир у Жамол билан доим бирга ўйнарди. Сабрийя хоним уни кўрса баттар эзилади. Эндигина овутиб турувдик.

-Уйда хеч ким йўқ эди, ёлгиз ташлаб чикким келмади. Дадамиз, кўргандирсиз, жанозага кетдилар. Кайнонамга ишониб бўлмайди. ўрнидан туролмайдиган бўлиб колган. Ростдан касалми, ё найранг киляптими, Худо билмаса биз билолмаймиз. Бугун кечаси билан ўринни бўктириб чикиби. Гапираман, десам хасратим кирк йилда хам тугамайди. Бу орада Сабрийя хонимнинг кўзи Мехмедга тушиб, унга якинлашиб келди-да, тиз чўкканича уни кучоклаб олиб, яна ноласини бошлади:

-Вой, жоним болам, сен кайларга кетдинг, карагин, ўртогинг келди!

У шундай деганича гарангсиб турган болани багрига тобора каттикрок босар, шашкатор кўз ёшлари эса боланинг юзларидан кайнок кон каби окар эди. Боладаги гарангсиш дам ўтмай кўркувга айланди. Сабрийя хонимнинг “Вой менинг Жамолгинам” деган ноласига унинг “Ойижон, хозир ўлиб коламан!” деган кичкириги уланди. Шундагина Сабрийя хоним ўзига келиб, кўзларини катта-катта очди-да, болани багридан бўшатиб, онаси томон аста итарди.

-ўглим мени ташлаб кетди. Унинг камолини кўриш менга насиб этмаган экан. Аллоҳнинг истаги шундай бўлгач, мен бечора нима кила оламан? Энди худойимдан битта нарсани сўрайман: бошкаларнинг болаларини панохида асрасин. Хамманинг боласи узок-узок яшасин. Мен сизларга энди хавас килиб яшайман. Сизлар фарзанд додгини кўрманглар,

ишкилиб. Опажоним, ўглингизни воясига етказиб, рохатини кўринг, илойим!
Онаси багрига кайтган Мехмед хеч нарсага тушунолмай, атрофдагиларга жавдираб
караганича секингина: “Ойижон, Сабрийя хонимга нима бўлди?” деб сўради.
-Жамол ўртогинг ўлиб колди,-деб унинг кулогига шивирлади онаси.
-Жамолми?-Бола онасининг жавобидан ажабланиб яна сўради:-ўлиб колган бўлса ўзи
кани?
-Уни кабристонга олиб кетиши. Жим бўл, бошка нарса сўрама.
Онанинг танбехи болага таъсир килмай яна сўради:
-Кабристонда уни нима килишади?
-Вой, мунча эзма бўлмасанг! Хозир тилингни сугуриб олайми! Кабристонга олиб бориб
нима килишарди, кўмишади-да!
Бу гапни эшитган Мехмед барчанинг диккатини ўзига тортиб, додлай бошлади:
-Ойижон, агар менам ўлиб колсам, кабристонга олиб боришмасин, кўмишмасин, хўпми?
Кўмиб кўйишларини истамайман... истамайман...
Боланинг ноласини эшитган Сабрийя хоним энди кўкракларига муштлаганича
ўкириб-ўкириб йиглади:
-Вой кўшнижонларим, бу кандай кўргилик бўлди! Болажонимни кўмиб кўйишдими, а?
Кора тупрок остида колдими менинг болам! Бунга мен кандай чидайман, кандай
чидайман-а!
-Сабрийя, кизгинам, бўлди, бунчалик ёниб-куяверма,-деб овутишга харакат килди ёши
каттарок хотинлардан бири.-Аллоҳ хукми шундай экан, итоат эт. Аллоҳ сенинг болангни
ўзингдан кўра хам яхшиrok кўрар экан. Шунинг учун хузурига чакириб олди. Биз ожиз
бандалармиз, сабр килишдан ўзга чорамиз йўк.
-Хоним, уни ўз холига кўйинг, тўйиб-тўйиб йиглаб олсин, дарди ичида колиб
кетмасин,-деб эътиroz билдириди бошка хотин.-Агар хасрати ичида колиб кетса,
йиринглаб, бир дарди ўн бўлади. Юракдаги захар чикиб кетмагунича азоб бераверади.
Кизгинам ўлганида бирор мени бўгиб олгандай бўлаверди. Йиглагим келади-ю, хеч
йиглай олмайман. Бир кунда корним тогорадай шишиб кетди. Эрим табибга кўрсатган
эди, “Бутун дарди захарга айланиб, кўз ёшлари билан чикиб кетиши ўрнига корнига
йигилиб колибди”, деди. Сабрийя она-ку, ахир! Юраги аланга бўлиб ёняпти хозир. Ёниш
хам гапми! Бу дардни бошидан ўтган билади. Йигла, йиглайвер, сингилгинам,
вужудингдаги захарлар чикиб кетсин.
-Хоним, “йигла, йигла” деб кистайверманг. ўлган одамга бунака йиглаш хам гунох,-деди
бошка кўшни.- Куръонда шунака дейилган. Кизилтошдаги мулланинг маърузаларини
эшитмаганмисиз?
Биринчи кун шу тарзда ўтди. Жамолнинг вафоти баҳонасида ўз хасратларини эслаб
йиглаган хотинлар дардларини гамга тўла шу уйга тўкиб чикиб кетиши. Кейинги кунлар
хам деярли шу тарзда ўтди. Шумхабарни жанозадан кейин эшитганлар кўнгил сўраш учун
бирин-сирин келавердилар. Хар бирлари ўзларини жабрдийдага якин олиб таъзия
билдиргач: “Аллоҳ сизга сабр-жамил ато этиб, бардошингизга яраша ажр берсин!” деб
дую килишарди. Сабр ва унга яраша мукофот беришни Аллоҳдан сўраш албатта, яхши
фазилат. Келганларнинг ташрифдан муддаолари хам дую килмок ва боякиш онани
овутмок, дардига малхам кўймок. Уларнинг хеч бирида ёмон максад бўлмаса-да, яхшилик
умидида айтган сўзлари Сабрийя хонимнинг ярасини янгилиб, туз сепгандай бўлар эди.
Улар кетгандан кейин онаизорнинг багри ёниб, кўз ёшлари гўё кон ёшларига айланарди.
Бир хафта давом этган бундай таъзиялардан сўнг бечора Сабрийянинг кўзларида нам

колмади. Курукшаган кўзлари маъносиз бокадиган бўлди. “Шундай болангиздан ажраб колдингизми-а!” деб бошланувчи юпанч сўзларидан кейин кайси она йигламасин? ўзини тутиб йигламаган бардошли онани кейин улар нима деб атаб чикиб кетадилар. Юзига айтмасалар хам йўл-йўлакай “Бунча багритош бўлмаса! Боласига жичча куйса нима киларди?” демайдиларми?

Кўни-кўшниларнинг таъзиялари бир хафта давом этиб, узокдаги кариндош, таниш-билишларга гал келди. Кун йўк-ки, узокдан бир меҳмон келмаса. Уларнинг бир хилда фикрлашлари ажабланарли: “агар ўлиб кетган бола хажрида канча кўп куйиб йигласак, унинг ширинликларини, бошка болалардан афзалликларини айтиб-айтиб кайгуларимизни намойиш этсак, бу хонадонга шунчалик якинлигимиз маълум бўлади”. Шунинг учун хам остона хатлашлари билан бир хилда узрохлик киладилар:
-Вактида келолмаганимиз учун бизнинг айбимиздан ўтинглар, Худо шохид, бу шумхабарни кечагина эшийтдик. Вой, жоним сингилгинам, шундай дўмбоккина бола-я! Хеч ишонгимиз келмайди. Суюклигинамиз Жамол кўз олдимиизда турибди, шу ерларда кувнаб ўйнаб юрарди-я! Вой дариго! Нахот у энди йўқ бўлса! Нахот каро ер багрида ёлгизгина ётган бўлса! Шундай шумхабарни эшитгандан кўра кулокларимиз узилиб тушса бўлмасмиди!

Шу сўзлардан сўнг онаизорни багриларига босадилар, йиги-сиги авжига чикади. Шу аснода яна кунлар ўтади. Энди Сабрия хонимда йиглаш учун факат кўз ёшлари эмас, вужудида кувват хам колмади. Ковоклари хаста одамни эслатадиган даражада шишиб кетди. Консиз бетлари сўлиб, осилиб колди. Унинг бу холи эри билан онасини ташвишлантира бошлади. Уни докторларга кўрсатиши. Докторларнинг хулосаси бир хил бўлди: камрок йигласин, уйда диккат бўлиб ўтирасин, ташкарида, боғларда сайр килдиринглар, гам-аламдан йирок бўлишига эришинглар. Шукрия хоним кайгуни унутиш мумкин эмаслигини билади. Лекин шундай бўлса-да, таъзияга келувчиларни ўзи кутиб олиб, йиги очмасликларини илтимос килади. Сабрия хоним хузурида Жамолнинг ўлимини эсламасликларини, умуман таъзия билдириласликларини ўтиниб сўрайди. “Агар шундай килиш кўлингиздан келмаса, ичкарига кирмай кўя колинг, сиздан инжимаймиз, сиз хам биздан ранжиманг”, деб огохлантириб хам кўяди. Бу гап икки хотинга таъсир этса, учинчисининг фахми калталик килади. Одат бўлиб колган одобидан воз кечишини истамайди. Шукрия хонимнинг ўтинчлари у кулогидан кириб, бунисидан чикади. Калб ярасини тирнай-тирнай, кулфат эзиб кўйган Сабрия хонимга ўзича далда берган бўлиб, хотиржам равишда уйни тарк этади. Шукрия хонимнинг илтимосларига сўзсиз амал килишга ваъда берганлари хам кампир бошка хонага бир юмуш билан чикди дегунча дийдиёларини бошлашади:

-Шундай полвон болани ўлганига одамнинг хеч ишонгиси келмайди. Унга нима бўлганийкин-а? Кайси курибгина кетгур касаллик илашди экан? Дунё шунакада! Бугун сен борсан, эртага карабсанки, гўрда ётибсан. Ёшмисан, каримисан, карамас экан. Касал дегани бир ёпишса бас, полвонмисан ё нимжонмисан фарки йўқ, супуриб олиб кетаверади.

Сабрия хонимга бу гаплар жуда узок-узокдан эшитилгандай бўлади. У жавобга хозирланиб, куч тўплайди. Лаблари ўзига бўйсунмаса-да, гапиришга уринади:

-Ха... полвон эди, болажоним. Шу ерларда шўхлик килиб, югуриб-югуриб ўйнаб юрарди. Бир куни кечки пайт мактабидан келиб, бошини тиззамга кўйди. Карасам, мазаси йўкрокка ўхшади. Кайфияти хам иштахаси хам бўлмади. ўша кеч битта ушок хам ўтмади томогидан. Нукул “Ойижон, совкотиб кетяпман”, деяверди. Кўрпага ўраб кўйдим. Кейин

иситмаси кўтарилиб кетди, кетма-кет кусаверди. Болажонимнинг бошлари огриётганини сезиб турдим. Нукул бошини, пешонасини кўрсатади. Дардини олай десам чoram йўқ. Кейин кўзлари хам галати бўлиб колди. Шошиб, довдираб колдик. Докторлар, дорилар... хеч нима кор килмайди. Бир куни дори ичираётгандим... ох, хоним, Аллоҳ буни хеч бир онанинг бошига солмасин, хатто душманларга хам раво кўрмайман бу кўргиликни... дори ичираётиб карасам болажонимнинг юzlари ўзгаряпти. Мен нодон, дори ичгиси келмаяпти, деб ўйлабман. ўшанда жон бераётган экан. Жону жаҳоним мени тарк этиб кетди. Вой менинг Жамолим...

Бу сўзлардан кейин Жамол тирилиб келиб яна кайта жон бераётгандай дод-фарёд кўтарилиарди. Ташвишланган Шукрийя хоним хонага шошилиб кирганида кизини яна бехуш холда кўрарди. У таъзияга келувчи хотинларга илтимос килишнинг фойдаси йўклигини англаб, бошкачарок йўл тутишга карор килди. Дарвоза остонасини босиб ўтган меҳмонга бошларига оғир кулфат тушганини, кизи бу дардга чидай олмай хасталаниб колганини айтиб, “уйга киргач, боланинг ўлими хакида зинхор сўз очмайман”, деб касам ичишни талаб этди. Афсусларким, бу тадбир хам фойда бермади.

Хотинларнинг кўплари касам ичганлари билан ахдларига содик кола олмадилар. Касамни бузмаганлар хам ачинишларини сўз билан ифода этмасалар-да, гамгин карашлари, маъюс кулимсирашлари билан Сабрийя хонимнинг юракларини поралаб ташлардилар. Сабрийя хоним уларнинг таъзия билдириш учун келганларини билиб турарди. Уларнинг маъюс бокувчи кўзларидан “Бечорагинам, ёмон холга тушибсан-ку? Болажонинг кани? Бечора Жамол... Сенинг иссик багрингда халоват топиш ўрнига совук ер каърида ётибдими?” деган маънони укиб аввалига хўрсиниб, сўнг ноласини бошларди. Унга жавобан меҳмонлар хам хўрсинардилар. Рўмолчалар чикарилиб кўз ёшлари артиларди. Бу худди пинхона таъзия маросимига ўхшарди. Жамолнинг номи хам тилга олинмасди. Меҳмонлар гўё ахдларига вафо килгандай бўлардилар. Аммо улар кетганларидан сўнг Сабрийя хонимга лимон хидлатишнинг хам, гулоб ёки юракни тинчлантирувчи томчидориларнинг хам нафи тегмай коларди.

Бу тадбири хам фойда бермаётганини билган Шукрийя хоним сўнгги чорани кўллади: меҳмонларни уйга кўймади. У уй хизматчиларига хам, ошпаз кизга хам кўча эшигини очмасликни тайинлади. Аммо кичик уйларда бу талабни бажариш амри маҳол эди. Эшикни такиллатиб келган одам ичкаридан шарпалар эшитилиб тургач, уйда хеч ким йўқ экан, деб ишона колармиди? Хизматчи киз хам, ошпаз хам бир-икки марта буйрукни адо этишиди. Кейин беихтиёр равишда эшикни очадиган бўлишди. Эшик такиллатган аёлнинг таъзияга келганини англаб “Вой эсгинам курсин, очмаслигим керак эди-ку?” деб афсусланишдан бошка чоралари колмади.

Шукрийя хоним турли чора-тадбирларни кўллашига карамай, кизинининг ярасини янгиловчи таъзиялардан асрай олмади. Сабрийя хоним кундан кунга сўлиб бораверди. Окибат шу бўлдики, Жамолнинг вафотидан бир ярим ой ўтиб, бу уйдан иккинчи тобутни кўтариб чикишди. Тобут ичida Аллоҳдан сабр тилangan бечора аёл ётарди. Унга сабр тилашган эди, ўглининг ёнига бориб ётиш насиб этди. Меҳрибонларча билдирилган таъзияларнинг сел каби окими унга ўлимхадя этди.

Еркаклар тобутни кўтариб чикиб кетишгач, Сабрийя хоним ўтинхонага кириб, жўвани эслатувчи кичикрок бир гўлани танлаб олди. Унинг карори катъий эди: биринчи бўлиб таъзиядан сўз очган хотинни шу гўлача билан уради! Хар холда у меҳрибонлардан бирининг йиги аралаш гаплари шундай бўлади:

“Гўзал кизингиз Сабрийя кани энди! Бечора онаси билан эрини кимларга ташлаб кетди!

Гүр деганлари кимларни ўзига тортиб кетмайди! Бечора Шукрийягина, бошларингга шунчалар хам кулфат тушадими, а! Бу гамларга кандай чидайсан энди! Энди Аллох сенга сабр берсин! Йигла, тўйиб-тўйиб йиглаб ол! Ичингдаги барча захар-захкумларни чикариб ташла!"

Тобут кўтарганлар кўздан йўколгунича кўчада фарёд уриб турган хотинлар йиги-сиги билан ичкарига кайтаётганларида Шукрийя хоним ўйлаганини амалга оширди. Сабр тилашга оғиз жуфтлаган биринчи хотинни бошига гўлача билан урди! Тўплангандар аввалига саросимага тушдилар. Сўнг "Бахти каро кампир набираси билан кизининг ўлимига чидай олмай аклдан озибди", деган хulosага келдилар. Эртасига махаллий раҳбарият томонидан зарур хужжатлар тўлдириб берилгач, кампир жиннихонага жўнатилди.

Шундан сўнг таъзияга келиб, Шукрийя хонимнинг хамласидан ку тулиб колганлар хувиллаб ётган уйга кириб афсуслар билан бош чайкардилар. Улар кимга таъзия билдиришни, кимнинг хузурида гамли кўз ёшлари тўкишни билмасдилар. Уларнинг: "Кандай баҳтсизлик экан бу! Сабрийя ўлибди! Онаси жиннихонага тушибди! Нахот бу уйда таъзия билдириладиган ўлик әгаси колмаган бўлса! Энди кимга "Аллох сизга сабр берсин!" деб кетамиз?"- дейишларидан ўзга чоралари йўкеди.

Таъзия келаётган хотинларнинг бундай гапларини хизматчи киздан эшитган Шукрийя хоним чиндан хам аклдан озди. Унинг ростданам жинни бўлиб колиши хеч кимни ажаблантирмади. Хаммага бу табиий бир холдай кўринди.

Турк тилидан Тохир Малик таржимаси